



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

12 май, жума, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 89 (1091)

БУЮК ГАЛАБА ТАНТАНАЛАРИ

8 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов фашизм устидан қозонилган Галабанинг 50 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун Россия Федерациясининг пойтахтига ташриф буюрди. Инсониятнинг фашизм таъвоуздан озод этишда ўнлаб мамлакатлар, миллатлар вакиллари жон олиб, жон бериб курашдилар. Буюк Галаба бутун инсониятнинг улкан ютуғига айланган. Шу боис МДҲга аъзо давлатлар, Европа ва Америка қитъасидаги, жами 50 дан ошмиш мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари буюк Галаба тантаналарида иштирок этиш учун Москвага келдилар.



Москва. «Номаълум аскар» қабрига гулчамбар қўйиш пайти. (ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу куни Қизил майдондаги «Номаълум аскар» қабрига гулчамбар қўйди, урушда қурбон бўлганларнинг руҳини ёд этди. Иккинчи жаҳон уруши жангдошларида 400 мингдан зиёд ўзбекистонлик аскар ҳалок бўлди. Уруш йиллари эса ўзбекистонлик 1 миллион 400 минг юртдошларимиз фронтга сафарбар қилинган эди. Ислам Каримов Москва сафари арафасида таъкидлаганидек, урушда ҳалок бўлган ватандошларимиз хотираси қалбимизда абадий қолади. Галаба учун курашганлар, фронт ортида уруш азобини тортганлар ҳаммиша ардоғимизда бўлади.

9 май куни Қизил майдонда Галабага бағишланган тантаналар бошланди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов кўлаб давлатлар раҳбарлари қаторида фахрийлар парадига иштирок этди. Майдондан урушда жон

бозлик кўрсатган, Галабадан кўкси ифтихорга тўлган фахрийлар саф тортди ўтдилар. Улар орасида ўнлаб ўзбекистонлик совиқ жангчилар ҳам бор эди. Шу ўринда мамлакатимиз ҳукумати ўзбекистонлик уруш фахрийларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатганини эслаш жоиздир. Зеро, уларнинг ватан олдидаги хизматлари беқийёс. Урушда кўрсатган жасорат

лари учун 170 мингдан ортиқ ўзбекистонлик жангчи ордени ва медаллари билан мукофотланган. Шуларнинг 338 нафари Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган. Ислам Каримов Москвада бўлган ҳарбий парадда ҳам иштирок этди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 9 май куни Тошкентга қайтиб келди. (ЎЗА).

ҚУРБОНЛАР ХОТИРАСINI ЁД ЭТИБ

Ватанимизда фашизм устидан қозонилган Галабанинг 50 йиллиги муносиб нишонланди.

Кўксиларида жанговар ордени ва медаллар порлаб турган фахрийлар, қуролли кучларимиз вакиллари, меҳнат ва жамоат ташкилотларининг намоёндалари инсониятнинг фашизм баосидан асраб қолишга қатта ҳисса қўшган муътабар отахон ва онахонлар ҳурматини бажо келтириб, дахшатли урушда ҳалок бўлганлар хотираси олдида бош эгиш ниятида 9 май — Галаба куни Тошкентнинг Мустанқиллик майдонига келдилар.

Эрталаб соат 10. Фахрий қорувул саф тортган. Ҳарбий оркестр садолари остида бош майдондаги Номаълум аскар қабрига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номидан, республика Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа вазирлиги, Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари номидан гулчамбарлар қўйилди.

Бир дақиқа сукут сақлаб, қурбонлар хотираси ёдга олинди.

Урушда оғир жароҳатланган, тоғир ҳарбий госпиталларида ҳаётдан баъқат кўюмган жангчилар дафн этилган. Волгоград қўчасидаги «Биродарлик қабристони» ҳам

шу айём куни одамлар билан гавжум бўлди. Бу ерда қад кўтарган «Мотасаро аёл» ёдгорлиги пойнта ҳам гулчамбарлар қўйилди.

Маросимларда Ўзбекистон Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов, республика Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Галабанинг 50 йиллигига бағишланган байрамга тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш республика ташкилот кўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов қатнашди.

Байрам куни пойтахтимизда, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар марказларидаги барча майдонларда, маланият ва истироҳат боғларида, дам олиш масканларида халқ сайиллари кечгача давом этди. Уруш қатнашчилари ва мамлакат ичкарида фидокорона меҳнат қилиб, галабани таъминлашга муносиб улус қўшган кишилар билан қизиқарли учрашувлар, кечалар ва даяра суҳбатлари бўлди, катта концерт дастурлари, турли томошалар намойиш қилинди, спорт мусобақалари ташкил этилди.

Кечкурун эса республикамиз пойтахти Тошкентда Галабанинг 50 йиллиги шарафига мушакбозлик бўлди. (ЎЗА).

ТАДБИРКОРЛИК ИШ БЕРДИ

Бундан бир ярим йил аввал Наманган шойи газламлар ишлаб чиқариш бирлашмаси давлатдан 2,5 миллиард сўм-кўпон қарз эди. Бунинг устига Беларусь, Россия, Украинадан лавсан ва вискоза келиши тўхтаб қолган эди.

2 минг нафар тўқучи ва йигиручи эса мажбуран меҳнат таътилга юборилган. Ҳўш, шундай бир шароитда корхонани қандай қилиб оёққа тургазиш мумкин? Маъжуд техник жиҳозлар фақат сунъий толини қайта ишлашга мослашган бўлса? Пахта толаси бу дастхозларга тўғри келмасэ?

Таваккал қилинди. Заҳирдаги озгина лавсан ва вискозага 33-55 фоиз пахта толаси аралаштирилди. Мутахасссларнинг ана шу ҳаракатлари туфайли ушбу пахта ва лавсан аралашмаларида миллий чопон, плаш ва шим учун газламалар, пойбазлар таглиги, аёллар чит қўйилди, кўрпа-тушаклик учун матолар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бош мухандис Собиржон Далахонев эса пировадидда 15 хил газлама ишлаб чиқариш мумкинлигини амалда исботлади.

Тикучилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош мухандиси Муассар Хусанованинг таъкидлашича, янги маҳсулотдан келин-куёубон либослар, эркак ва аёллар халатлари, болалар кийимлари, жами 35 хил кийим-кечак тайёрлаш мумкин экан.

Бирлашма ўзининг ана шу маҳсулотни билан тўлиқ оёққа туриб олди. Эндиликда жамоа ишлаб чиқараётган маҳсулотларини хом ашё учун эмас, балки корхонага замонавий ускуналар келтиришга сарфлагипти. Яқинда корхона Ноносибирскдан 40 та СТБ маркали мокисиз ва шовкисиз ишлайдиган тўқув дастхозлари, тикув машиналари сотиб олди. Буларнинг барчаси мол айрбошлаш хисобига бўлди.

— Молиявий аҳолиимиз кўн сайин ўнглаиб бормоқда, — дейди корхона бош директори Абдурашид Убайдуллаев. — Мажбуран меҳнат таътилга жўнатилган ишчилар эса яна ўз иш жойларига қайтарилди. Айни пайтда уларга ўз вақтида маош берилиб бориляпти.

Яқин меҳнат қилганлар эса ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилляпти. Ишчи ошхоналаридаги таомлар эса 40 фоизга арзонлаштирилди.

Шунингдек, корхона ишчи-хизматчиларига дам олиш ва соғлиқларини тиклаб олишлари учун сикатхозларга арзонлаштирилган йўлнамалар берилмоқда.

Бунинг бозор иқтисодий шартитида корхона ана шу тарикда дадил одимламоқда.

Турмушўлат СУЛАЙМОНОВ,
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

РАИСНИНГ ТАЯНЧ БРИГАДАСИ

Жиззах туманидаги Бобур номида ширкат уюшмасида Уттан бир йилнинг ўзидя ун битта жиниот содир этилибди.

Бу ҳол яқиндагина шу хўжаликка бош қўйиб сайланган Ботир Йўлдошевни ташвишлантирмай қўймади. Ботир ака жиниотларни келтириб чиқарган оқибатларини эрниймай таҳлил қилиб кўрди. Бир нарсга аниқ аён бўлди: жиниотнинг, асосан, ўсмирлар содир этишган, сабаби-бекорчилик ва ичкилик.

Янги раҳбар, аввало, қишлоқ фуқаролар йигини кенгашидан мўқобил ҳарбий хизматни ўтаётган 52 нафар янгитларнинг рўйхатини олди. Барчасини идорага тўплади. Қўпчилиги хўжалик ва ҳарбий комиссарият ўртасидаги шартномага мувофиқ иш ҳақининг 20 фоизини ойма-ой ўтказиб туриш у ёқда турсин, иш тополомай сарсон бўлиб юришган экан. Раис ота-оналар билан маслаҳатлашиб, шу йигитлардан иборат таянч қурилиш бригадаси тўзди. Улар ишни қишлоқдаги кўна даракларни қулатиш ва бир жойга тўплаб, тахта тилишдан бошлади. Бир гуруҳи маҳсус ускунада кўнига 600—700 дона катта қиш кўймоқда. Бу йигитлардан 500 тоннагача мева сабзавот сақлагич ишоот қурилиши мўлжалланган.

Таянч бригадасига битта трицепли трактор ажратилди. Яқин кўнларда лаявандлаш агрегати ҳам берилди. Алоҳида шехда кечанига бекор юрган қишлоқ болалари ашиқ, дараза ромларни, хонтахта каби кўнлаб халқ ностемте моллари ишлаб чиқаришга киришилди. Келгуси режалардан яна бири-камшидан чий тўқиш бўлиниг учун хомаш ётарди. У ёзда алоҳида ёлқ жойга жамағирб қўйилди-да, қишда тўқилади. Тайёр чийларнинг бир қисми аҳолига сотилиб, қолганидан узум айиб хуритишда фойдаланилади. Бу эътиборга молик тадбиркорлик, уни кенг ёйса арзийди.

Х. НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДЕҲҚОН ИШБИЛАРМОН БЎЛСА

Об-ҳаво ноқулай келса ҳам хирмони залворли, дастурхони тўкин бўлаверади

Кўпчица қишлоқ хўжалигида ҳосил этиштириш асосан об-ҳавога боғлиқ, дейишди. Бу маълум маънода тўғри. Чунки, аслида дала неъматлари очиб олаёда ўсади. Осмондан келган табиий офатлар кўпчица деҳқоннинг аҳолини тане қилиб қўйганини кўп кўраимиз.

Лекин шундай инсонлар ҳам борки, улар зарур пайтда шароитга қараб тадбиркорлик билан иш тутадилар. Ҳосил тақдирини дақиқлар ҳал этадиган пайтда фурсатни қўлдан бермайдилар. Яъни, инон-ихтиёрини табиатта бериб қўйиб, қулай фурсат келишини кўтиб ўтирмай оғирликни зиммаларига оладилар. Натияжада муваффақият ҳам, зафар ҳам, омад ҳам уларга эргашади.

Юсуф Товбоевнинг суяги меҳнатда қотган. Узоқ йиллардан бери Жиззах ва Сирдарё вилоятининг қўриқ ерларида ишлаб тажриба орттирган. Не-не қолоқ хўжаликларини туманининг, вилоятнинг илгор хўжаликлари қаторига олиб чиққан.

Асли Мирзаобод туманидаги «Москва» колхозидан бўлган Юсуф ақани ўтган йили жамоа аъзолари ўзларига раис қилиб янгилишмади. Чунки хўжалик кейинги пайтда сурункасида ишлаб чиқариш режаларини бажармагани учун иқтисоди ўтириб қолганди. Шунга яраша одамларнинг модий аҳоли

ҳам бир мунча ёмонлашди.

Хўжалик Гулистон шаҳрига яқин. Шунинг учун ҳам далада ишлаб, бири икки бўлмаганлар саноат корхоналаридан иш ишлашга мажбур бўлишарди. Ишчи кучи, бунинг устига яқин мутахассис кам бўлса мақсадга эришиш қийин бўлган. Юсуф Товбоев ранс бўлган дастлабки қуларданок ҳамқишлоқларининг кўпи билан даярли йккама-йкка гаплайиб чиқди. Гаплайишганда ҳам юзакли гаплайиш, уларнинг қалбида келажакка, ўз меҳнатлари самарасидан баҳраманд бўлишга умид уйғота билди.

Маълумки, 1994 йил кўнларде вилоятлар, хусусан Сирдарё вилояти пахтакорлари учун нихотда оғир келди. Айниқса, чигит экиш даяридаги қийинчиликлар унчамунча тажрибали деҳқонларини ҳам довлдиратиб қўйди. Шунинг учун ҳам кейинги ҳаракатларининг фойдаси кам бўлди. Жуда кўнлаб хўжаликларда далавта режалари бажарилмади.

«Москва»ликлар эса эрта баҳорданок ерни тайёрлаш,

сара уруғ экишга алоҳида эътибор беришди. Табиий офат оқибатларини тугатишга ялли сафарбарлик билан чиқишди. Ҳеч ким у меннинг ишим, бу сенинг ишинг деб ўтирмади. Бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишди.

Ҳаракатда баракат деганларидек, бошқа хўжаликлардагига қараганда пайкаллардан аяхиорқ кўчат олинди. Табиий офатлардан уларнинг аксарият қисми сақлиниб қолинди. Парвариш билан боғлиқ агротехник тадбирларнинг барчаси ўз вақтида сифатли ало этилди.

Натияжада фақат «Москва» ширкатлар уюшмаси мириш-корларинга йиллик режани муваффақиятли удалаш шарофига муяссар бўлидилар. Бу ўз навбатида деҳқонларнинг ҳамнинг баарка киритди. Хўжалик ҳисобида қолган 430 тонна толаннинг даромади ҳозир катта мадад бўляпти. Унинг бир қисми қишлоқларни ободонлаштириш, табиий газ, ичимлик суви келтиришга сарфланмоқда.

Режадан ортиққа пахтани қайта ишлашдан олинган 280 тонна шелуха, 56 тонна пахта ёғи, 300 тонна кунжара деҳқонларга арзон нархда сотилмоқда. Бу ўз навбатида одамларда келажакка умид уйғотди. Кўпроқ, самаралироқ иш-

лашга ундаляпти.

Шунинг учун ҳам пахтакорлар бу йил мажжуд 2117 гектар ернинг ҳаммасига чигитни қисқа муддатда экиб олдилар. Экиш пайтида пайкалларга минерал ўғит солинганлиги туфайли чигит бир текис унб чиқди. Ҳозир нихотда дастлабки комплекс ишлов бериш ушқоқлик билан давом этириляпти. Культивация, озиклантириш оби-тобида олиб борилаётганлиги туфайли гўзанинг авжи аяпти.

Ҳажаликда бу йил 1400 гектар ерда галла ўстирилмоқда. Биз хўжалик галлазорларида булганимизда ҳамма пайкаларда мўл ҳосил этилаётганини кўриб қувондик. Икки марта озиклантирилиб, икки марта суғорилган бўлди, арпаининг бўлиқ бошқилари жорий йилда хўжалик хирмони юксак, деҳқонлар ризки бутун бўлишидан далафат бериб турибди.

Халқимизда меҳнат қилиб топганини, қанду асал тоганини, деган пўрҳикма нақд бор. Мирзаобод туманидаги «Москва» ширкатлар уюшмаси деҳқонлари бу йил ҳам ҳалол меҳнат билан режаларини ошириб удалаш учун мустаҳкам замин яратишяпти. Демак, бу йил ҳам уларнинг ишлари унумли, кўтарган ҳосиллари баракали, дастурхонлари тўкин бўлади.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 11 майда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг қорғий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ўн учта банк иштирок этди.

Сотув ҳажми 14,0 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 26,50 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 12 майдан бошлаб ҳисоб ва боғжона тўловлари учун қорғий валюталарнинг сўмга нисбагани куйидаги қийматини белгиллади. *)

1 Австралия доллари	19,32
1 Австралия шиллинги	2,71
1 Англия фунт стерлинги	41,92
10 Бельгия франки	9,28
1 Голландия гульдени	17,04
10 Греция драхми	1,18
1 Дания кронаси	4,87

1 АҚШ доллари	26,50
1 Миср фунти	7,77
1 Ирландия фунти	43,26
1 Исландия кронаси	0,42
10 Испания песети	2,20
100 Италия лираси	1,63
1 Канада доллари	19,57
1 Кувейт динари	90,32
100 Ливан фунти	1,63
1 Германия маркаси	4,09
1 Норвегия кронаси	19,26
10 Португалия эскудои	1,81
1 Сингапур доллари	19,02
1000 Туркия лираси	0,62
1 Финляндия маркаси	6,24
4 Франция франки	5,44
1 Швеция франки	3,70
1 Швейцария франки	23,03
1 ЭКЮ	35,12
10 Япония пенсаи	3,16
1000 Россия рубли	5,17
1 Эстония кронаси	2,40

1000 Украина карбованеци	0,21
1 Латвия лати	52,17
1 Литва лити	6,63
1 Қозғистон тенгеи	0,42
1 Молдова леи	5,86
1000 Беларусь рубли	2,30

Марказий банки 1995 йил 12 майдан бошлаб Ўзбекистон республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгиллади: — Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 26,50 сўм. — Сотиб қиймати: 1 АҚШ доллари — 26,50 сўм.

Хоржий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайган.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАР



ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

ИСТИҚЛОЛНИ ШАРАФЛАР ВАТАН

Алишер Навоий номидаги республика миллий кутубхонасида мамлакатимиз мустақиллиги кўнига бағишланган доимий кўразма иш бошланди.

Унда республиканинг истиқлолга эришиш жараёни, Конституция қабул қилиниши, Президент Ислам Каримовнинг янги китоблари ўрин олган. Шунингдек, унга ҳукумат қарорлари, миллий мафқуриани шакллантиришга хизмат қилувчи адабиётлар қўйилган.

ЧЕВАР

Яккабоғ пахта тозалаш заводи қошидаги «Топ» кичик корхонаси чевари Хуршида Расулова тикаётган аёллар халати, эркаклар қўйлаклари, болалар кийимлари харидорларга манзур бўляпти.

Суратда: Х. Расулова.

ҲАМКОРПИК КЕНГАЯДИ

Бухоро вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Садриддин Сирожев раҳбарлигида вилоят вакиллари амалий иш билан Москва вилоятида бўлиб қайтидилар.

Ушбу сафар Россиядаги йирик корхоналар билан Бухоронинг қишлоқ жойларига қўшма корхоналар очиш мақсадида уюштирилди. Натияжада «Ивантеевский трикотаж» ҳиссадорлик жамияти билан Бухорода кийим-кечаклар, Дмитриев консерва ленталари, тажриба заводи билан алюмин банкчалар, шиша идишлар учун қопқоқлар, ҳамда полимер пленкалар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона очишга келишиб олдилар.

МАҲСУПОТ СИФАТИ-ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

Анджон туманининг Куйганёр шаҳарчасида фаолият кўрсатаётган Буюк Британия-Рожд-Ўзбекистон қўшма корхонаси ишбилармонлари яна бир янгиликка қўла урди.

Томорқасида помидор етиштираётган аҳоли билан ҳосилни қабул қилиш бўйича шартнома тузишга киришди. Қўшма корхона Утган йили 1800 тонна томат пастасини Польша, Россия, Беларус Республикасига сотиб катта фойда кўрган эди. Бу йилги режа 70 минг тоннадан зиёд миллионри қайта ишлаб жаҳон бозори андозаларига мос тушадиган томат маҳсулотни тайёрлашдан иборат.

БЕШҚУТОННИКЛАР ҚУТПУГ НИЯТ БИЛАН ИШ БОШЛАШДИ

Музрәбод туманидаги «Бешқўтон» жамоа хўжалиги деҳқонлар шолы экишни бошлаб юборишди. Улар 2500 гектар майдонинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштиришмоқчи.

Суратда: шолкор Д. Турдиқулова.

АМЕРИКАГА ЖУНАБ КЕТДИ

В. Успенский номидаги республика ўрта махсус музыка интернат-мактаби бир гуруҳ олтинчи синф ўқувчилари Америкага гастролага жўнаб кетди.

Нью-Йорк шаҳридаги Нукем компанияси таклифига бинонан уюштирилган бу ижодий сафарда ўзбекистонлик ёш пионирчилик қарниб бир ой давомида концерт намойиш этади.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАР

• Долзарб мавзу

ТАРАҚҚИЙ этган мамлакатларда бирон соҳа йўқки, қоғоз целлюлозаси асосий ё қўшимча хом-ашё сифатида ишлатилмасин. Собиқ Иттифоқ давридаги яхлит иқтисодий тизим оқибати ўзлаб қиларишнинг кўпгина муҳим тармоқлари ривожланмай қолган республикамиз учун бузғунчи чуқур ислохотлар даврида қоғоз целлюлозаси ишлаб чиқариш корхоналарини барто этиш энг долзарб вазифалардан биридир.

Ҳўш, республикамизда қоғозга бўлган эҳтиёжни қондириш имконияти борми? Керакли хомашё ўзимиздан чиқадики? Бу соҳада аввал ва ҳозир бирор иш қилинганми?

Мухбиримиз «Сардоба» ассоциацияси президенти, иқтисод фанлари номзоди Абдусалом Турсуновга ана шу саволлар билан мурожаат этди.

— БИЗНИНГЧА, республика раҳбарияти ва мутахассис олимлари олдига турган асосий вазифалардан бири хом-ашёси етарли бўлган соҳаларда жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган корхоналарни илҳом бериш тизим қилиб қўйишдир. Қоғоз целлюлозаси ишлаб чиқарувчи корхоналарни жадал қилиб ишга тушириш ана шу кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасига киради. Бунга эришиш учун республикамизда ҳамма имкониятлар мавжуд бўлиб, эндиги гап уларни оқилона ишга солишда қолган. Ўзбекистонда азалдан пахтачиликка иқтисодлаштирилган, жами майдонларнинг 40 фоизидан кўпга шу экин экилиши ва, ниятат, пахта чиқиндиларидан жамият учун керакли бўлган 300 хилдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиши бу соҳанинг умрбоқийлигини далолатидир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон учун ана тақдир бўлиб турган қоғоз ишлаб чиқариш саноатининг асосий хом-ашёси ёғоч ва пахтага қайта ишланган олинмаган иқтисодий маҳсулот — лент ва момиқлар. Пахтадан тола ажратиб олингандан кейин чигит қобиғида 13-14 фоиз калта толалар қолади. У момиқ олиш машинасига икки марта қайта солиниб, қирилади-да, яна 5-6 фоиз момиқ олинади. Шундан сўнг таркибда 7-8 фоиз момиқ қолган чигит ёғочдан олинадиган момиқ олиш машиналарида шилиб олинса, қоғоз-целлюлоза саноати учун 80-100 минг тонна момиққа эга бўлилади. Бу хом-ашёнинг арзаплиги шундаки, унинг тозаланган ҳолдагисидан 90 фоиздан зиёд целлюлоза олинса, ҳатто, энг яхши ёғочдан олинмайдиган зарур хомашё 50 фоиздан ошмайди. Бунинг устига момиқ целлюлозасидан олинмайдиган баъзи маҳсулотларни ёғоч целлюлозасидан олиб бўлмайди.

Яна шуни қўшимча қилиш жоизки, қарийб 2 миллион гектар майдондаги гўзапоя текин хомашё бўлишига қарамай, унинг асосий қисми ерни шудгорлаш

пайтида қўшиб ҳайдаб юборилади. Агар бу масала атрофича тадқиқ этилса, қоғоз целлюлозаси ишлаб чиқариши кенг йўлга

ва Буюк Британия билан «Уэхлопкопром»нинг ҳамкорлигида Исроилда вақтинча тўхтатиб қўйилган целлюлоза заводиди ишга тушириш, бу ерда ишлаб чиқарилган қоғоз целлюлозаси базасидан 1992 йили Тошкентда қоғоз комбинатини ишга туширишни мўлжаллаб, бир гуруҳ мутахассис ва иқтисодчиларни юборган эди. 1991 йилда Исроилдаги завод ишга туширилди. «Уэхлопкопром» маълум миқдорда хомашё жўнатди. Аммо бу шартномадагидан анча кам эди ва бинобарин заводнинг бир маромда ишлашини таъминлай олмасди. Оқибатда Тошкентга юборилиши лозим бўлган 10 минг тонна юкори сифатли қоғоз целлюлозаси келмади.

— Энди ўзимизнинг ички

қўринг: лентерлаш цехи заводнинг умумий қийматининг 60 фоизини ташкил этгани ҳолда, улар чиқарадиган лент ва момиқни сотишдан келадиган даромад умумий даромадининг атиги 2,5 фоизига тенгдир. Шунинг учун ҳам заводларда ўрнатилган лентерлаш машиналарининг кўпи ишлай бекор ётибди.

— Республикамиз қоғоз тақчиллигини бошдан кечирётган ҳозирги шартларда қоғоз целлюлозаси саноатини ривожлантириш тақлифини олға суриш ўринли, албатта. Бирок бугунги иқтисодий аҳволимиз бу соҳага катта капитал маблағ сарфлаб, ундан келадиган фойдани йиллаб куттиш имконини бермаслигини ҳам ҳисобга олмақ лозим.

«Сизнинг Ўзбекистон Республикасида пахта целлюлозаси ва юкори сифатли қўғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мавзусида «Иқтисод ва ҳисобот» журнали ҳамда «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган мақолаларингизни чуқур манфаатдорлик билан ўқиб-қўрадик. Шу муносабат билан вақолатхонамиз Сизга маълум қилдикки, «Девенпорт» фирмаси Исроилда «Уэхлопкопром» билан целлюлоза ишлаб чиқарувчи қўшма корхонага эга бўлиб, бу тармоқда анчагина тажриба тўплади ва сизнинг тақлифларингизни амалга рўйбега чиқариш учун республикамиздаги тегишли тақлилотлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр».

Энди бу ишларга капитал маблағ сарфлашнинг сиз айтган

шундай тарзда ёндашишни талаб этади.

— Республикада қоғоз целлюлозаси ишлаб чиқариш соҳасининг етук мутахассислари борми?

— Бор. Ўзбекистон Республикаси Кимё, физика ва полимерлар институтида ҳозир бир қатор етук мутахассис олимлар тўпланган. Уларнинг лойиҳалари асосида яратилган машиналар бугунги кунда Россия ҳудудидаги қоғоз-целлюлоза заводларида ишлаб турибди. Бинобарин, завод курилишини лойиҳалаш, монтаж қилиш ва корхона ишга тушган дастрлаб кезларда шу институт асосий маслаҳатчи сифатида иштирок этса, янги ишоот ана арзонга тушган бўлур эди. Қолаверса, мутахассисларнинг ўз соҳаларини илмий ишлашлари ва амалий ишлари республика иқтисодиёти учун керакли йўналишда мувофиқлашади.

— Абдусалом Турсунович, биз республикамизда беҳисоб бўлган иқтисодий хомашёлардан фақат пахта момиги ва гўзапоя хусусида фикр юритдик. Сўхбатимиз якунида ўзингизнинг бу борадиги аниқ-ўнда тақлифларингизни баён этсангиз.

— Қоғоз ва 100 хилдан зиёд халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришда асосий хомашё вазифасини ўтайдиган целлюлозани пахта чиқиндилари ва гўзапоядан олиш учун хом-ашё мўл, технология ҳам тайёр, мутахассис ва ишчи кучлари етарли. Демак, қоғоз ва целлюлозани керагича ишлаб чиқариш учун, аввало, «Уэхлопкопром» ассоциацияси ва «Уэхлопкомаш» концерни зиммасига лент ва момиқни кескин қўлайтириш вазифасини юклаш ҳамда заводларни замонавий техника билан таъминлаш ва янгиликларни яратишга оид илмий излашлар учун керагича маблағ ажратиш лозим бўлади.

Иккинчидан, лент ва момиқ чиқаришнинг олимлар, инженер-техник мутахассислар ва ишчиларнинг бу соҳадаги ютуқларини моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш ҳам тармоқни жадал оёққа турғузши омили бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Учинчидан, Исроилдаги целлюлоза заводининг ишини пухта ўрганиб, уни хомашё билан етарли таъминлаш ва иқтисодий жиҳатдан назорат қилиш, шу заводнинг хомашё базасида Тошкентда курилиши лозим бўлган қоғоз комбинатини лойиҳалаштиришга киришиш вақти келди деб ўйлаймиз.

Тўртинчидан, икки қўшни вилоятда ишлаб чиқариладиган лент ва момиқ ҳисобига бирида целлюлоза заводи, иккинчисида ўш хомашёдан у ёки бу турдаги халқ истеъмол моллари корхонаси куриб ишга туширилса айни мўддао бўлур эди.

«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири Абдусамал ЙУЎЛДОШЕВ сўхбатланди.

• Иқтисодийёт оидлари ХОРАЗМ МЕБЕЛЛАРИ ГЕРМАНИЯДА СОТИЛАДИ (Суратли лавҳа)



— Корхонамиз маҳсулотларига Германия ҳам харидор бўлапти.

— дейди Урганч мебелсозлик фабрикаси директори Рустам Раҳимов. У гарчи бу гапни расмий равишда айтмаган бўлса-да, шубҳага ўрин қолдирмайдиган тарзда тушунтириб берди. — Олдий похол ва шолу қўпигидан тайёрланган турли ҳажмдаги ётоқхона жасдалари, диван-креслолар, тўшак ва тўшакчаларнинг дастлабки туркуми ўтган йилиёқ савдога чиқарилган эди. Ўтган давр мобайнида 10 мингдан зиёд рўзгорбоп жиҳозлар ишлаб чиқаришга эришилди. Бу маҳсулотларнинг қўлайлиги шундаки, масалан, похолдан ишланган ўриндиқлар киши баданига ва гавда тузилишига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, олдий шолу қўпигидан ишланган юмшоқ мебеллар нафақат сифатлилиги ва бежиримлиги билан, балки арзонгаровли жиҳатидан ҳам ажралаб туради. Айни кўнларда улар корхона қошидаги қўшқаватли дўконларда сотилапти. Келгусида эса корхона маъмурияти бундай дўконларни вилоятнинг деярли барча туманларида ташкил этишни режалаштирмоқда.

Хоразм мебелини узоқ Германияга жўнатиш мавзусидан гап очганимиз бежиз эмас. Чунки корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар турли жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб беради. Бунинг учун асослар бор. Аввало, улар Олмония технологиясининг маҳсулидир. Бундан бир йил муқаллам мебелсозлик агрегатларини олмониялик мутахассислар ўрнатиб беришганди. Урганчлик мебелсозлар, шунингдек, аввалдан мавжуд технологик вентилаторлар ҳам оқилона фойдаланишга эришди. Бу ҳол харидорлар мебеллар турини муттасил қўлайтириш имконини берапти.

Абдулла СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ЎЗ ҚОҒОЗИГА ЭГА БЎЛАДИМИ? Бўлади! Бунинг учун мамлакатда қоғоз-целлюлоза ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этмоқ лозим

қўйиш имконини берадиган яна бир улкан ва энг муҳими теким манбага эга бўлишимиз аниқ.

— Целлюлоза — қарийб 100 хилдан зиёд халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда асосланадиган асосий хомашё дейишарди. Шундай экан, олимларимиз қоғоз целлюлозаси олиш соҳасида излашлар олиб боришдан бўлишасан керак, албатта.

— Бизда ёғоч шудқоқ ҳам тақчил. Шу боис фақат пахта лентидан қоғоз целлюлозаси олиш хусусида фикр юритганимиз маъқул. Бунинг учун СССР эндидаги нафақат, биринчидан, ёғ-мой комбинатларининг кўпи шаҳар марказларида жойлашган, бинобарин уларни кенгайтириш мушкул. Иккинчидан, чигитни шаҳарга ташиндириш оқимини таъминлаш ҳам кўпайиб кетади.

Агар таркибда 7-8 фоиз қолган ўша чигит пахта тозалаш заводларида топширилса, пировад натижа бўтуналди бошқача бўлади. Чунки, бу ерда чигит қобиғидаги момиқни шилиб олишда бирмунча билим ва тажриба тўпланган. Қолаверса, заводларда лентерлаш цехларининг қўлиги сабабли ортиқча капитал маблағ сарфлаб, янгиликларни барпо этишнинг ҳолати бўлмайди.

— Иккинчи-ку, бор экан, нима сабабдан шу пайтгача бу соҳа ривожлантирилмапти?

— Гап шундаки, пахта заводларида чиқариладиган лент ва момиқ учун белгиланган нарх жуда паст бўлганили боис бу соҳани ривожлантириш учун лозим иқтисодий жиҳатдан фойдала эмас. мана, ўзингиз ҳисоб-китоб қилиб

имкониятларини масаласига қайтасан. Юкоридаги фикрингизга қараганда, таркибда 7-8 фоиз момиқ қолган чигитни ёғ-мой комбинатларидан кўра қоғоз-целлюлоза саноатига юборган маъқул экан. Ҳўш, ҳозирги кунда шу момиқни қаерда ва қандай усулда шилиб олган иқтисодий жиҳатдан тўғри бўлур эди?

— Агар бу миқдордаги момиқни ёғ-мой комбинатларида шилиб олиш режаланса, қўйидаги иқтисодий муаммолар монелик қилади. Биринчидан, ёғ-мой комбинатларининг кўпи шаҳар марказларида жойлашган, бинобарин уларни кенгайтириш мушкул. Иккинчидан, чигитни шаҳарга ташиндириш оқимини таъминлаш ҳам кўпайиб кетади.

Чунки, менинг кўлимда Буюк Британиянинг «Девенпорт Трэдинг энд инвестментс ЛТД» фирмаси, шунингдек Италиядаги яна бир йирик фирманинг бу соҳага маблағ сарфлаш истаклари борлиги баён этилган расмий хатлар ва, ҳатто, дастлабки лойиҳа ҳужжатлари турибди. Улар ва бошқа хорижий фирмаларга хусусий сармоядорлар билан манфаатларини камситилмайдиган тарзда пишиқ-пухта ўйланган шартномалар тузиб, техник-иқтисодий ҳужжатларни имкони борича тезроқ тайёрлаб, амалий ишга киришилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Шу ўринда гапим қуруқ бўлиб қолмаслиги учун Буюк Британиянинг ўша «Девенпорт» фирмасининг Ўзбекистондаги бош вақолатхонаси раҳбари А. Бондарининг «Сардоба» ассоциацияси президенти сифатида менга юборган мактубидан парча келтирсам:

Сиз иқтисодчи олим сифатида масаланинг бу томонига қандай қарайсиз?

— Чумчуқдан кўрқан деҳқон тарик экмайдик, деган халқ нақлининг маъноси кенг. Кейинги пайларда Ўзбекистон Республикасининг чет эллик ишбилармонлар учун бир қатор қўлайликлар назарда тутилган қўнунлари қабул қилиндики, бугунги кунда улар кўпгаб етакчи хорижий фирма ва таникли сармоядорларни қизиқтирмоқда. Икки томонлама нафли ҳамкорлик қўнунлар билан қафолатланганили, бунинг устига юртимиздаги барқарорлик, оёсийишатилик уларни Ўзбекистонда турли соҳаларда хеч икканамай сармоя сарфлашга ундамоқда.

Чунки, менинг кўлимда Буюк Британиянинг «Девенпорт Трэдинг энд инвестментс ЛТД» фирмаси, шунингдек Италиядаги яна бир йирик фирманинг бу соҳага маблағ сарфлаш истаклари борлиги баён этилган расмий хатлар ва, ҳатто, дастлабки лойиҳа ҳужжатлари турибди. Улар ва бошқа хорижий фирмаларга хусусий сармоядорлар билан манфаатларини камситилмайдиган тарзда пишиқ-пухта ўйланган шартномалар тузиб, техник-иқтисодий ҳужжатларни имкони борича тезроқ тайёрлаб, амалий ишга киришилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Шу ўринда гапим қуруқ бўлиб қолмаслиги учун Буюк Британиянинг ўша «Девенпорт» фирмасининг Ўзбекистондаги бош вақолатхонаси раҳбари А. Бондарининг «Сардоба» ассоциацияси президенти сифатида менга юборган мактубидан парча келтирсам:

САВДО ТАКЛИФНОМАСИ

1. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкидан институционал курилиш ва техник ёрдам кўрсатиш учун турли валюталарда 21 млн. АҚШ доллари миқдорда кредит олди. Бу кредит маблағларининг бир қисми тўлов тизимини такомиллаштиришга доир лойиҳани молиялаш учун ишлатилади. Айни шу мақсадда мазкур савдо ташкил этилмоқда.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (ЎЗРМБ) манфаатдор фирмаларни «Компьютер ва коммуникация асбоб-ускуналари ҳамда банк электрон тўловларини қайта ишлаш учун дастурий таъминот воситаларини етказиб бериш» лойиҳаси бўйича савдога тақлиф қилади.

Лойиҳа мажмуавий тарзда ҳал этишни талаб қилади ва уч гуруҳдан ташкил топган:

- а) Электрон тўловлар тизими учун асбоб-ускуналар ва дастурий таъминот;
б) Пакетли коммутация билан маълумотларни узатиш тармоғи курилиши учун асбоб-ускуналар ва дастурий таъминот;
в) Локал компьютер тармоғи учун асбоб-ускуналар ва дастурий таъминот;

3. Манфаатдор фирмалар қўшимча маълумотлар олиш ва савдога тааллуқли ҳужжатларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш департаменти ишини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Элибой Жабборович Жабборовга мурожаат қилишлари мумкин. Унинг манзили:

Ўзбекистон, Тошкент 700001, Ўзбекистон шохқўчаси 6-уй, 252-хона. Телефон (3712) 33-05-61. Телефакс (3712) 33-60-88, (3712) 33-44-20

ЎЗРМБга ёзма буюртма тақдим қилишлари ва 250 АҚШ доллари миқдорда ёки шу сумма қийматига тенг бўлган эркин муомаладаги бошқа валютада қайтарилмайдиган бадал тўлашлари лозим. Ўзбекистонлик қатнашчилар унинг эквивалент қийматини сўмларда тўлайдилар.

Тўлов қуйидаги тарзда амалга оширилади: Ўзбекистонлик қатнашчилар тегишли суммани Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бошқармаси Ҳисоб-китоб марказидаги

020960920-рақамли ҳисоб-вараққа ўтказадилар. Филиаллараро оборотлар коди (МФО) - 172682116.

— хорижий қатнашчилар кўрсатилган суммани DEUTSCHE BANK AGдаги 9497751-ҳисоб-вараққа ўтказадилар. Унинг манзили: Frankfurt Am Main, Taunusangale 12, D-6000, Frankfurt Am Main 1, Teleks: 40751-333 EB D, Факс: 41730200 SWIFT-код: DEUTDEFF.

Тўловномада лойиҳа номи ва савдо тақлифномасининг номери кўрсатилсин.

Соғиб олинган ҳужжатларни буюртма авиачиптаси орқали ёки курьер билан юборилади.

5. Барча тақлифлар 140000 (бир юз кирк минг) АҚШ доллари билан ёки шу сумманин эркин муомаладаги валютадаги қийматига тенг бўлган миқдордаги маблағ билан қафолатланиши лозим. Улар қуйидаги кўринишлардан бирида бўлиши лозим:

- (а) Харидор учун мақбул бўлган, Ўзбекистонда жойлашган банк ёки хорижий банк томонидан берилган савдо учун ҳужжатларда келтирилган шаклдаги банк қафолати ёки қайтарилмайдиган аккредитив;
(б) банк чеки ёки тасдиқланган чек.

6. Барча тақлифлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига 1995 йил 17 июль куни соат 14.00 дан кечикмасдан тақдим этилиши лозим. Савдо 1995 йил 17 июль куни соат 14.00 да савдо қатнашчилари вакиллари иштирокида расмий равишда очилади.

7. Мазкур лойиҳа бўйича муаммоларни ҳал этиш учун 1995 й. 15 июнь эрталаб соат 10.00 да Ўзбекистон Марказий банкда конференция ўтказиш кўзда тутилган.

8. Асбоб-ускуналарнинг мураккаблиги ва уни етказиб бериш кўзланган мудатда амалга оширилиши лозимлиги туфайли савдонинг бўлажақ қатнашчилари ўз тақлифларини беришдан олдин савдо ҳужжатларини контракти бажара олиш қобилияти ва савдо ҳужжатларида кўрсатилган бошқа талаб шартларига мувофиқлик нуктаи назаридан синчиклаб ўрганишлари кўзда тутилмоғи зарур.

9. Савдода голиб чиққан қатнашчи барча экспорт қондаларига бўйсунуши ва экспорт учун зарур лицензияни олиши керак.

10. Савдога доир ҳужжатлар учинчи шахсларга берилмайди.

